



O'ZBEKISTON

f UZBUNYODKOR
o UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

№53 (198) 2018 йил 6 июль, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ТАШҚИ МЕХНАТ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таъкидлангани, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни ташкиллаштирилган тарзда йиғиш юзасидан халқаро шартномалар тузиш, уларнинг республика ташқарисидан иш жойларига хавфсиз тарзда етиб боришини таъминлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга қарама-қарши, ноқонуний меҳнат миграциясининг катта оқими ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Фуқароларни хорижда ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари паст даражада қолиши давом этмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси тизimini янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан бериладиган лицензия асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида аккредитациядан ўтиш асосида, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон

Республикаси фуқароларининг касбий малакасини, жумладан, касбий кўникмаларга эга бўлиш ва хорижий тилларни билиш даражасини тасдиқлаш борасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг лицензиялар бериш ва аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш функцияларини бажарувчи ишчи органи этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) юридик шахс мақомида ташкил этилсин.

Кўйидаги харажатларни молиялаштириш Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳатланиш, бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш талаб этилган фуқароларга, кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тўланган маблағлар ушбу фуқаролар томонидан кейинчалик қўллаб берилиши шарт билан, тиббий хизмат кўрсатиш;

(Давоми 2-бетда)



Ободлик яратмоқ – гўзаллик кашф этмоқ демак



Ободлик аслида инсон кўнглидан бошланади. Кўнгли обод, ғурури баланд одамларгина маҳалласию қишлоғи, бутун юрти – Ватанининг обод бўлиши учун жон қуйдиради. «Ватанини севмоқ иймандандир» дейилган ҳадиснинг моҳиятида ҳам ўз юртининг ҳамиша обод бўлишига хайрихоҳ ва жонқуяр кишилар имони тоза одамлардир, деган маъно аңланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг одамларни ўз ҳаётидан рози қилиб яшаши учун зарур шароит яратишга доир хайрли ташаббуслари миллий таракқиётимизнинг янги босқичини намоянча этиб, халқимизни мамнун этаётир. Бу жараёнда шаҳар ва қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз қиёфасигина эмас, ана шу қиёфани яратувчи одамларнинг уй-фиқри, тафаккур тарзида ҳам эврилишлар юз бермоқда.

Бир пайтлар ўзларининг дупла-ду-

руст уй-жой ҳовлилари атрофини режасиз қурилган пастқам иморату панжара-тўсиқлар билан хунуклаштирган одамлар маданий дид-савия ўтмаслашганини тан олиб, турмуш маданиятини юксалтиришга эҳтиёж сезмоқдалар. Тан олиш кераки, бу жиҳат давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармони имзоланиб, шу асосда мамлакатимиз қишлоқларида беқиёс ободонлаштириш, таъмирлаш ва қай-

та қуриш ишлари жонланиб кетгани, маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар катта уюшқоқлик билан Президент фармонини ижро этиш юзасидан бошлаб юборган кенг қўламдаги ишлар самараси телевидение орқали кўрсатилгани, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганидан сўнг янада фаоллашди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар фақат у ёки бу қишлоқ ёки шаҳар маҳалласини обод қилиш масаласинигина ҳал этиб қолмасдан, йиллар мобайнида жамият ҳаётида тўпланиб қолган жуда катта ижтимоий муаммоларни ҳам бир йўла бартараф этиш йўли аниқ ва равшан кўрсатилгани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»ги Президент фармо-

нида «Обод маҳалла» жамғармаларини ташкил этиш; аҳолини, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш учун микро саноат зоналарини ташкил этиб, замонавий ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ва маиший техникаларга хизмат кўрсатиш шохобчаларини жойлаштириш; «Обод маҳалла» дастурига киритилган маҳаллаларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларига ишсиз аҳолини 6 ойлик муддатгача жалб қилиш ва биринчи ойлик иш ҳақини иш бошлаган кунда олдиндан 50 фоизини бўнақ сифатида тўлаш шартларида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш кўзда тутилгани бу борадаги ишларни кенг қулоқ ёйдиришда катта имкониятлар яратади.

(Давоми 4-5-бетларда)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

2018 ЙИЛДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-3507-сон қарорига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда хорижий таъмирдан келиб чиқиб ва мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда 60, 135, 160, 235 ва 385 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди;

(Давоми 2-бетда)

DORSA
PO'LAT
ESHIKLARI

+998 99 595 55 55
www.dorsa.uz info@dorsa.uz

Engelberg

YANGILANISH VAQTI KELD!
SHVEYTSARIYA SIFATIDAGI ROM VA ESHIKLAR

Engelberg 7600

+99871 207 77 77

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИЙ ISO И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА 9001:2015

ПКП ООО «JIHOZ – ВЕНТИЛЯЦИЈА»

e-mail: jhoz-vent@mail.ru сайт: www.jhoz-vent.uz
тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-68
Товары сертифицированы

МИНСКИЙ АВТОМОБИЛЬНЫЙ ЗАВОД
БЕЛОРУССКИЙ ПРОИЗВОДИТЕЛЬ ПРЕДЛАГАЕТ СВОЮ ПРОДУКЦИЮ СО СКЛАДА В г. ТАШКЕНТЕ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР МИНСКОГО АВТОМОБИЛЬНОГО ЗАВОДА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ИНОСТРАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ ООО «MAZ-TASHKENT» 100005 г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. 8 марта, 57.
Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88.
Факс: (+998 71) 291-88-84. E-mail: maztashkent@mail.ru Улугу лицензиярованы.

РЕКЛАМА
МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ КАФОЛАТИ

UZBEKISTON BUNYODKORI

+99871 244-21-71 +99871 244-21-71
uzbunyodkori@mail.ru

2 ДАВР

Бешкентда 37 та хонадондан иборат уйнинг ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга топширилиши мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир намунаси бўлди.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINING TASHKI MEHNAT MIGRACIYA TIZIMINI YANADA TAKOMILLASHIRISH B'YIICHA Q'USHIMCHA CHORA-TADBIRLAR T'FGRISIDA

(Давоми. Боши 1-бетда)

ишга жойлашган давлатнинг тегишли муассасалари томонидан тасдиқланган ҳолларда республикадан ташқарида меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек, хориждаги меҳнат фаолияти вақтида меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган шикастланган ёки жиддий жароҳатланган фуқароларни олиб келиш;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижа ташкиллаштирилган тарзда илгари юборилган ва ишга жойлашган мамлакатнинг қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида ушбу мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилган (депортация қилинган) фуқароларни, тўланган маблағлар ушбу фуқаролар ҳисобидан кейинчалик қоплаб берилиши шarti билан, шунингдек, келишилган меҳнат шароитлари чет эллик иш берувчилар томонидан таъминлаб берилмаган фуқароларни қайтариш;

республика ҳудудларида хорижа меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни кетишдан олдинги мотлаштириш, касбий тайёрглаш, хорижий тилларга ўқитиш ва билим даражаси юзасидан тест синовлари ўтказиш, фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини ташкил этиш ҳамда жиҳозлаш; хорижда Агентликнинг ваколатхоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш;

норасмий меҳнат миграциясининг олдини олишга қаратилган, фуқароларни хорижда ишга ташкиллаштирилган тарзда жойлаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш.

3. Қуйидагилар Жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган 200 миллиард сўм миқдоридан зиёд бўлмаган бераз молиявий ёрдам;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан тузилган лицензия келишуви доирасида фуқароларни меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижа юбуровчи ташкилотларнинг, захиранаётган маблағ ишлатилган ҳолларда маблағларни тўлдирши, шунингдек, фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқини берувчи лицензия мuddати тугатилган ҳолларда маблағларни қайтариш шarti билан, 50 минг АҚШ доллари миқдоридан зиёд бўлмаган маблағлар;

бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинмаган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой мuddатда қуйидагиларни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни;

Хорижа меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касбий малакаларини тасдиқлаш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни;

Хорижа меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкиллаштирилган тарзда йиғиш тартиби тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг янгиланган низомини;

Хорижа меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни, жумладан, унда жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини назарда тутган ҳолда.

5. Белгилаб қўйилсин, 2018 йил 1 августдан ҳусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижа кетаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланмаган тартибда ихтиёрий рўйхатдан ўтиш таъминини жорий этган ҳолда, хорижа меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун руҳсатнома бериш тартиби бекор қилинадиган фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдоридан йиллик сугурта тўловларини ихтиёрий равишда тўлаш

тартиби жорий этилади, бунда тўловлар амалга оширилган даврлар белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой мuddатда минимал рентабелли янги иш ўринларини яратишга қаратилган ижтимоий корхоналарни давлат-ҳусусий шериклик шартларида ташкил этиш механизмларини жорий қилиш бўйича, ушбу мақсадларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағларини йўналтиришни назарда тутган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Агентлик барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига Агентликнинг бошқарув ходимлари ҳисобидан масъул ходимларни Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тақдим этиладиган мансабдор шахслар рўйхатига киритиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда меҳнат қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни қулайтириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикасининг бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ш. Д. Қудбиева юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 июль

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI 2018 ЙИЛДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ Т'FGRISIDA

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-3507-сон қарори билан мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва табиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилиши кўзда тутилди;

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасини қуриш ва 48-сон мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилиш, Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасини ва Мирзо Улуғбек туманидаги 324-сон мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш ишлари ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Қуйидагилар: 2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурлари 2-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари буюртмачи этиб белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсинки: янги давлат мактабгача таълим муассасаларининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади; шунингдек, таълим муассасаларининг қурилиши «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ

ташкilotлари томонидан ушбу ташкilotларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат мактабгача таълим муассасаларига олиб борадиган автомобиль йўлларини таъмирлаш, сув таъминоти ва канализация ташқи тармоқларини олиб келиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳисобидан амалга оширилади; мактабгача таълим муассасаларининг қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3307-сон қарори билан тасдиқланган марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари, Ўзбекистон Республикаси бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан 5-иловага мувофиқ молиялаштирилади.

5. Мазкур қарорнинг 1-банди тўртинчи хат-бошида кўрсатилган мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш доирасида 2019 йилнинг 1 январига қадар:

буюртмачилар ва бош пудратчи ташкilotлари – улар томонидан бажариладиган қурилиш ва реконструкция ишлари ҳажмлари қисмида; қурилиш материаллари ва жиҳозларини етказиб берувчилар – буюртмачи ва бош пудратчи ташкilotларга сотиладиган қурилиш моллари ва жиҳозлари қисмида қўшимча қиймат солиғидан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши ва шаҳарсозлик нормалари ва қондаларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги А. В. Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 июль,
ПҚ-3822

«Tashkent City» ҳудудидаги боғ қандай бўлиши керак?



Қуни кеча пойтахтимизда архитектура-қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи тажрибали мутахассислар, шунингдек, Тошкент шаҳри келажагига бефарқ бўлмаган бошқа касб эгалари, бошқача айтганда, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ана шу мавзуга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

«Tashkent City» халқаро ишбилармонлик маркази дирекцияси ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан Россиянинг «Стрелка» конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашувнинг асосий мақсади – давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланиб, айни пайтда унинг назорати остида давом этирилаётган йирик лойиҳага оддий фуқароларни ҳам жалб этиш, уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билишдан иборат эди, – дейди «Tashkent City» ХИМ оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими ходими Омилхон Зиявтиндов. – Семинар иштирокчилари эркин тартибда инновацион лойиҳани лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларига оид энг муҳим жиҳатларни муҳокама қилган тўртта гуруҳнинг биридан ўрин олиб, боғни шаҳар муҳитига мослаштириш, унинг инфратузилмаси, экологияси ва ландшафти, шунингдек, лойиҳани ижтимоий-маданий дастурлаштириш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

Эслатиб ўтиш жоиз, лойиҳага мувофиқ, кейинги йилнинг охиригача «Tashkent City»нинг марказий қисми – 18 гектардан ортиқ майдонда янги замонавий боғ барпо этилиши кўзда тутилган. Боғда шаҳарнинг қайноқ ҳаётдан чарчаган аҳолига оила аъзолари билан биргаликда мазмунли дам олишлари учун қулай шароитлар яратилади. Шаҳар кўринишига ҳамроҳ тарзда барпо этиладиган, озода, қулай, хавфсиз, энг асосийси, ҳамма учун очiq бўлган боғда спорт ихлосмандлари учун майдончалар ва велоўйлақлар, болалар учун кичкина ўйингоҳлар ташкил этилади.

Тадбир давомида сўзга чиққан архитекторлар, rassомлар, тадбиркорлар, падагоглар, ҳатто ёш оналар ҳам эртанги кун боғнинг қандай тасаввур қилишларини баён этидилар. Бундан ташқари, иштирокчиларнинг аксарияти боғ ҳудудида тез ўсадиган, кўп соя берадиган дарaxтлар экилишини, боғнинг асосий майдонига ёшу қарига оёқ кийимсиз юриш имконини берувчи юмшоқ чим ётқизишини, яшил ҳудуд, шунингдек, ўриндиқлар, фавворалар, барчани бирдек жалб этувчи бошқа экспонатлар билан таъминланса, мақсадга мувофиқ бўлишини айтиб ўтдилар.

Семинарда тилга олинган барча фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тиллақлар бу борада якуний ҳулосани чиқариш учун тадбир ташкilotчиларига тақдим этилди.

Шухрат Хўжаев,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Қарши тумани маркази Бешкентда уч ижтимоий объект – Ёшлар хиёбони, «Нуронийлар маскани» ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун мўлжалланган яшаш уйлари фойдаланишга топширилди.

Янгидан бунёд этилган Ёшлар хиёбони туман ёшларининг дам олиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун мўлжалланган замонавий мажмуа кўринишини олган. Унда нафақат ёшлар, балки барча аҳоли вакиллари келиб дам олиши, сайр қилиши учун шароит яратилди.

Хиёбонда амфитеатр, турли болалар аттракционлари, 5 хил рангда ёдугулана-

диган замонавий фаввора, катта ҳажмдаги телемонитор мавжуд. Атрофдаги яшил ҳудуд ва турфа рангли гуллар киши қалбига ором бағишлайди.

Туман марказидаги истироҳат боғида қарийб 1 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилган «Нуронийлар маскани» ҳудудда истиқомат қилаётган 20 минг нафардан ортиқ кекса-фахрий учун муносиб туҳфа бўлди.

Ёшлар хиёбонидан – «Нуронийлар маскани» гача...

Шунингдек, Бешкентда 37 та хонадондан иборат уйнинг ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга топширилиши мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг яна бир намунаси бўлди.

Шу кун мазкур объектларнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан маданият ва санъат вакиллари иштирокида байрам тадбири уюшти-

рилди. Унинг доирасида тумандаги 12 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ҳам ўтказилди. Болаларга вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкilotларнинг совғалари ҳамда 500 минг сўмдан маблағ қўйилган омонат дафтarchалари топширилди.

Сайид МЕЙЛИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Ҳайрат намунаси

Юртнинг обод, кўркам ва фаровон бўлиши кўп жиҳатдан бинокорларнинг самарали меҳнатига боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси бурчагига борманг, уларнинг меҳнати устидан чиқасиз.

Самарқанд вилоятида ҳам кутлуғ касб эгалари сазй-ҳаракати туфайли катта қўламдаги яратувчилик юмушлари амалга оширилмоқдаки, уларни аср мўъжизасига қиёслаш мумкин. Самарқанд шаҳрининг Мотрид мавзесида олиб борилаётган уй-жой қурилиши бу фикрга мисол бўла олади.

Қурувчилар меҳнат қилаётган очiq кенг майдондаги бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзингиз қувнайти. Гап шундаки, халқимиз қадимий кентда узоқ тарих давомида шу қадар маҳобатли обидалар, ажойиб иншоотлар қад ростлаганига қарамай, бир вақтнинг ўзида бунчалик улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлмаган. Осмонга бўй чўзган ўнлаб маҳобатли кўтарма кранлар, тинимсиз юксалиб бораётган бир-биридан мафтункор бинолардан ҳайратга тушасиз.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2020 йилларда шаҳарларда



арзон кўп қаватли уйлارни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2660-сонли қарорининг 2018 йилги Дастурига асосан Самарқанд шаҳрининг Мотрид маҳалласи ҳудудида 32 та 7 қаватли уй-жой қурилиши олиб бориламоқда, – дейди «Ушшаҳарқурилишинвест» инжиниринг компанияси масъулия-чекланган жамяти техника назоратчиси Шерзод Аҳмедов. – Ана шу шарафли ва масъулиятли вазифа бизнинг ташкilot зиммасига юклатилган. Бош пудратчилар «Tash-Ishgreviy» МЧЖ, «Samarqand chinor qurilish» ИТКХК, «Malaxitplus» МЧЖ, «Globalcommerce» ХК ва қатор ёрдамчи қурилиш корхоналари иштирокида барча ишлар кўнгилдагидек олиб борилаётир. Шунга айтиш керакки, юқоридаги қарорга асосан қурилиш материаллари, конструкциялар, жиҳозлар, қурилиш техника ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бутловчи қисмлар етказиб бераётган таъминотчи корхоналар «тайёр ҳолда топшириш» шarti билан қурилаётган ушбу уйлارга етказиб берилган товар-

лар, хизматлар ҳажми бўйича барча солиқ ва тўловлардан, жумладан, қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар, божхона божлари тўлашдан озод қилингани ишда унум ва самарадорликка эришишни таъминламоқда.


Айни пайтда улкан қурилиш майдонига 3 000 нафардан зиёд бинокор, мутахассис тиним билмай ғайрат қилмоқда. Улар учун барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Яна бир гап, массивда инфратузилма яратиш мақсадида мактаб, мактабгача таълим муассасаси, спорт иншоотлари, савдо, маиший хизмат шохобчалари, оромгоҳ ва истироҳатгоҳ, кутубхона ва бошқа сервис хизмат бинолари ҳам жадвал қад ростлаётгани айни мuddа. Қурувчиларнинг эзгу режаси эса мазкур мажмуани мамлакатимизнинг улғў байрами – Мустақиллик кунига фойдаланишга топширишдир.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Дарё бўйи» маҳалласи ҳам қайд этилган дастур рўйхатида тушган бўлиб, айни кунларда мазкур ҳудудда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари авжида.



гўзаллик кашф этмоқ демак



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»-ги фармони ва «Обод маҳалла» дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида»-ги қарори қабул қилинишидан аввал пойтахт туманларидаги маҳаллаларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланган эди.

Кунги кеча қишлоқларда бошланган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бугун мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларини қамраб олган бу ишлар барчанинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Кишилар ўз маҳаллалари, уй-жойларини обод бўлаётганидан, турмуш шароитларини янада яхшилаш борасида кўрсатилаётган эътибор ва имтиёزلардан мамнун бўлмоқда. Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган кўплаб оилалар тadbirkorлик фаолиятини ҳам йўлга қўймоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Дарё бўйи» маҳалласи ҳам қайд этилган дастур рўйхатида тушган бўлиб, айни кунларда мазкур ҳудудда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари авжида. Ушбу маҳаллада 6 та 4 қаватли, 26 та 2 қаватли, жами 33 та кўп қаватли турар жойлар ҳамда 1 167 та ҳовли уйлар бўлиб, уларда 6 670 киши истиқомат қилади. Мазкур маҳалла туман прокуратури раҳбарлигидаги сектор ҳудудига қарайди.

Маҳалламиздаги аксарият кўп қаватли уйлар жуда абгор ҳолга, айримлари ҳаттоки авария ҳолатига келиб қолган эди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Худоев. – Дастур доирасида бошланган ишлар давомида ана шундай 2 та 2 қаватли уйлар янада яхшироқ деб топилди, бузилди. Мазкур уйларда истиқомат қилувчилар учун янги замонавий 2 қаватли турар жойлар қурилиши бошланган ва шу йилнинг сентябрь ойига қадар тайёр бўлиши кутилмоқда. Бузилган уйлардаги хонадон соҳибларига эса бошқа манзилдаги уйлардан вақтинчалик бошпана берилган.

Маҳаллани айланар эканмиз, ҳали таъмирланмаган уйларни кўриб, наҳотки пойтахтимизда шу ҳолдаги уйлар ҳам бор бўлса деб юбордик. Назаримизда, энг чека манзиллардан ҳисобланган бу маҳаллага ярим асрдан буён эътибор берилмагандек. Уйлар олдида турли коммунал хизматларга тегишли бетартиб ўрнатилган темир кўвур ва устунлар шу даражада кўпки, буларни кўриб кўнглингиз беҳузур бўлади. Бугун бу муаммоларнинг барига барҳам берилмоқда.

– Маҳалламиздаги 22 та 2 қаватли уйлар канализация тармоғига уланмаган эди, – дейди маҳалла раиси. – Ҳозирда мазкур уйларга канализация тармоқлари тортилди ва шу кунларда тўлиқ уланади. Шунингдек, ёғоч устунлар орқали тортиб келинган алоқа кабеллари эндиликда ер остидан ўтказилмоқда. Бу эса турли ноқулай об-ҳаво шароитларида кабелларнинг зарарланиши олдини олиб, аҳолига узлуксиз сифатли алоқа хизматлари кўрсатилишини таъминлашга хизмат қилади. Мавжуд 635 та электр тармоғи устунларида тунги ёриткичлар ўрнатилди. Сув ва газ тармоқларига тегишли кувурлар ва электр тармоғи устунлари уйлар олдидаги йўлақлардан узоклаштирилиб, тартибли равишда қайтадан ўрнатилди. Йўлақлар эса янада кенгайтирилди. Маҳалла болажонлари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида 8 та болалар ўйин майдончаси қурилиши режалаштирилган. Айни дамда Навоий вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳомийлигида 1 та намунавий майдонча қуриб битказилди.

Дастурга мувофиқ ушбу маҳалладаги 25 та 2 қаватли уйларнинг томи профнастил билан қопланди. Аҳоли сони кўп бўлишига қарамай, бирорта ҳам бозор ёки йирикроқ савдо мажмуасига эга бўлмаган мазкур маҳаллада ҳозирда 20 савдо ўринли замонавий кичик бозорча қурилмоқда. Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига шароит яратиш учун 18х36 метр майдонга сунъий чим қопламаси замонавий мини-футбол майдончаси қурилмоқда. Маҳалла ҳудудидан оқиб ўтувчи «Найман-1» канали ва унинг бўйларига тозалаш ишлари олиб борилмоқда. 2015 йилда жорий таъмирдан чиққан 518-мактабга таълим муассасасидаги шароитлар янада яхшиланиб, атрофи очик бўлган 264-сонли умумтаълим мактаби учун девор қурилмоқда. Шунингдек, 35 минг квадрат метр ирригация лот-лоқлари ва 84 минг квадрат метр асфальт ётқизиш режалаштирилган. Хуллас, маҳалла аҳли «Обод маҳалла» дастурига мувофиқ бажарилаётган ишлардан умидлари катта. Улар ўзлари истиқомат қиладиган маҳалла

ва уйларида муносиб шароитлар яратилишини кутмоқдалар.

Маҳалла раисидан кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган эътибор ва ёрдам ҳақида сўрадик. – Маҳалламизда бор-йўғи 2 та кам таъминланган оила бор, – дея жавоб берди раис. – Сабаби, бизда доимий иш ўрнига эҳтиёжманд фуқаролар билан ишлаш механизми яхши йўлга қўйилган. Туман ҳокимлиги ёрдамида бундай фуқароларимизни ишга жойлаштириб келяпмиз. Шунингдек, маҳалламизда оилалар мустақамлиги йўлида ўтказилаётган маънавий-марийфий тadbirkorлар самараси ўларок, сўнгги йилда бирорта ҳам ажрим бўлмади. Бу натижа бизни қувонтириши баробарида, мазкур соҳадаги ишларни янада жонлантиришга ундайди.

Галнинг тўғриси айтганда, Сергели туманида дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар, давлатимиз раҳбари фармонида белгиланган вазифалардан бўлган ишсиз фуқароларни ободонлаштириш ишларига ҳам тўлаш тартибиде жалб этиш бўйича ҳаракатлар хусусида батафсилроқ ахборот бериши, туман ҳокими ва секторлар раҳбарларининг фикрлари, келгуси режалари ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларимизга етказишни истаган эдик. Шунга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати ва Сергели тумани ҳокими билан бир неча бор болганандик. Бироқ туман ҳокимлиги биносида бизга ҳамроҳлик қилиши кутилган туман прокуратураси мутасаддиларини 2 соатдан ортиқ кутдик. Лекин улардан дарак бўлмади. Куттиш давомида ҳокимлик биносига кўплаб фуқароларнинг турли мурожаатлар билан келаятигани гувоҳ бўлдик.

Улардан бири бизга ҳам мурожаат қилди. Қўлимиздаги қамаларни кўриб, журналист эканимизни фахрланган чоғи, ўзини қийнаётган муаммони баён этди.

– Мамлакатимизда тadbirkorликка кенг йўл берилмоқда, – дея сўзини бошлади ўзини Нилуфар Қодирхўжаева деб таништирган аёл. – Айниқса, Президентимизнинг аҳолини тadbirkorликка кенг жалб этиш бўйича бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди, бу бўйича тижорат банкларига кўплаб топшириқлар берилган эди. Биз ҳам ушбу имкониятдан фойдаланиб, кичик тadbirkorликни йўлга қўйишни режалаштиргандик. Барча ҳужжатларимиз тайёр бўлган, туманимиз ҳокими томонидан тавсия ҳам олганмиз. Ҳуж-

жатларимизни Миллий банкнинг Сергели филиалига топширганимизга бир ойдан ошди. Бироқ ханузгача кредит берилмади. Ҳар кунги битта жавоб: «бугун бўлади, эртага бўл қолади...». Бугун эса банкнинг масъул ходими бизга 7 фоизлик имтиёзли кредит берилиши тўғрисида маълум қилди. Шунинг учун туман ҳокимининг ўринбосари қабулига келдик.

– Хўш, ҳоким ўринбосарига кирдингизми? – дея сўрадик Н. Қодирхўжаевадан.

– Ҳа, турмуш ўртоғим билан бирга ҳоким ўринбосари қабулига кирдик. У киши телефонда банк раҳбарияти билан гаплашди. Бизга яна бироз куттишимизни тушунтиришди.

Мурожаатни эътиборсиз қолдирмай, Нилуфар ва унинг турмуш ўртоғи ҳамроҳлигида банк муассасасига бордик. Банк филиалининг кредитлаштириш бўлими бошлиғи Нурбек Қурбоновага учрадик. Ундан нима учун бир ойдан ортиқ вақт давомида кредит ажратилмаётгани хусусида сўрадик. Нурбек бизга Н. Қодирхўжаева уларни бироз нотўғри тушунгани, улар кредит бериш вақтинчалик тўхтаб турибди деганини билдирди.

– Банкимизда шаффофликни таъминлаш, таниш-билишчилик ҳолатларини олдини олиш мақсадида имтиёзли кредитлар бош офис орқали кўриб чиқилиб, розилиги олинганидан сўнггина берилади, – дейди Нурбек Қурбонов. – Биз бу мижозга ҳам мазкур тартиб ҳақида тушунтирдик ва бироз куттишларини сўрадик. Агар истемол кредити бўлганида, филиалимизнинг ўзи ажратиши мумкин эди.

У киши билан суҳбатлашиб ўтирган чоғимизда банкнинг бош офисидан Нилуфар Қодирхўжаева аризаси бўйича кредит ажратилгани ҳақида хабар келиб қолди. Бундан хурсанд бўлдик. Аслида бу каби муаммолар тумандаги сектор раҳбарлари ёрдамида ўз ечимини топаётган ва фуқароларни ортиқча қилувчи учун тумандаги ташкилотлар билан идора-лар раҳбарлари, маҳалла аҳли, хуллас, барча жонбозлик кўрсатиши, юрт ободлиги учун ўз ҳиссасини қўшишга интиломи доркор.

Абдумуталлиб УҚТАМОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«Обод маҳалла» дастури – амалда!

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва кўплаб-қувватлови билан «Обод маҳалла» дастури ҳам «Обод қишлоқ» дастури каби ҳаётга татбиқ этилди. Бу дастур асосида маҳаллалар мутлақо янги қиёфа касб этиб, аҳоли турмушини янада яхшилаш, жумладан, фарзандларни тўқис вояга етказиш, саломатликни мустақамлаш, бандликни таъминлаш, хонадонларни обод қилиш, турли ижтимоий, маиший хизмат кўрсатиш объекларини бунёд этиш, бир сўз билан айтганда, яхши ва мақсадли яшаш учун барча шароитни яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида амалга оширилиши белгиланган вазифалар ижросида баъзан сусткашлик, эътиборсизлик ва сансалорлик манзараси ҳам кўзга ташланиб қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 29 июнь кунги Тошкент шаҳар Олмазор туманида бўлганида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, оилаларни мустақамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, тўй-ҳашамлар, оилавий тadbirkorлар ва маъракаларни исрофгарчиликсиз, ихчам қилиб ўтказиш каби бир қатор муҳим масалалар бўйича туман мутасадди раҳбарларига, маҳалла раисларига тавсиялар берди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари Олмазор туманидаги маҳалла раислари билан бу ердаги мавжуд муаммолар, ечимини кутаётган масалалар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

Оқилжон ХОЛМАТОВ,
«Тараққиёт» МФЙ раиси:

– Президентимиз туманимизга ташрифи чоғида «Обод маҳаллада – обод кўнгли бўлади» дедилар. Бу гап замирида улкан маъно, эзгу мақсад мужассам.

«Обод маҳалла» дастури амалга оширилаётганидан халқимиз миннатдор. Шу ўринда айрим мулоҳазаларимиз ҳам бор. Аввало, маҳалладошларимизга айтганимиз шунки, ҳар битта хонадон эгаси ўз уйини обод қилса, маҳалла секин-аста обод бўлиб боради. Давлат қилиб берар экан, деб қўл қовуштириб ўтиравериш ярамайди. Халқимиз бунга ўрганиб қолмаслиги керак.

Бир кунги маҳалламизда шанбалик – ҳашар қилдик. Бир ҳовли остонасига ақинлашганимизда, уйдан келинчак чиқиб, бизга ёрдам бераётганда қайнопаси эшикни очиб «Нима қил-яписиз? Бу уларнинг иши. Уйга кириш», деб келинчакни олиб кириб кетди. Мана, одамларни нимага ўргатиб қўйдик.

Маҳаллада сектор раҳбарияти билан уйма-уй юриб, муаммоларни жойида ҳал қилаяпмиз. Бизнинг маҳалламиз 1960 йилларда ташкил топган. Ўз вақтида шергон ерлар вақт ўтиб бўлиниб, 2 сотихдан бўлиб қолган. Бу билан, оилаларнинг 90 фоизининг муаммоси бу – уй-жой таъминоти масаласи.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган «Ҳар бир оила – тadbirkor» дастурини жуда кўп муаммоларнинг ечимини, десак бўлади. Чунки оилада бекорчи одам бўлмаса, жанжал ҳам бўлмайди, жиноят ҳам қузатилмайди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлади.

Коммунал қарздорликни ундиришда маҳалла-раисларини ҳам ёрдам бериши керак. Бу бизнинг мажбуриятимиз. Лекин охириги пайтада тўловларни биз – ўзимиз йиғишимизга тўғри келаяпти. Бизга Мажбурий ижро бюросидан рўйхат беришяпти. «Мана бу газники, мана бу электр энергиясиники, бу сувники. Илоҳи бўлса, шуларни ундириб беринлар» дейишяпти. Шунинг учун биз ҳам нафақа олишга келган фуқароларимиз билан тушунтириш ишларини олиб бориб, МИБ ходимларини чақирган ҳолда уларга ёрдам бераймиз.

Малика БОБОҚУЛОВА,
«Университет» МФЙ раиси:

– Бизнинг маҳалламиз бошқа маҳаллаларга қараганда ўзгача. Чунки маҳалламизда 170 ҳовли, 450 кўп қаватли уй ҳамда 10 давлат турар жойлари мавжуд. Маҳалламизда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг талабалари ётоқхонаси бўлгани сабабли «Университет» номи берилган. Биз асосан, талабалар билан ишлаймиз. Уларнинг ота-оналари билан уч авлод учрашувларини ўтказамиз. «Обод маҳалла» дастури доирасида янги маҳалла биносига кўчиб ўтдик. Шароитлари олдингидан анча яхши.

Маҳалланинг раванқ топиши учун ҳудуддаги бўш ерлар, бинолардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жойларни тadbirkorларга беришда маҳалла вакилларининг фикрини инобатга олиш керак. Лекин баъзида бундай бўлмаяпти.

Эрийик БОЗОРБЕКОВ,
«Мойрақ» МФЙ раиси:

– Авваллари тўйлар хонадонларда бўлиб ўтган. Ҳовлилар ўрнига кўп қаватли уйлар қурилгани боис, турли маросимларни тўйхоналарда ўтказиш анъанага айланди. Бу жуда қулай ҳолат. Бу мутахассисларнинг таъкидлаган ҳолда, рестороанларнинг нархиға эътибор қаратадиган бўлсак, қаражатлар миқдори анчага кўпади. Сўнгги вақтларда тўй тadbirkorларини ихчамлаштириш, шароитдан келиб чиқиб камҳарж тўйлар ўтказиш борасидаги тарғиботлар ўз самарасини бермоқда. Ҳовлида яшайдиган юртдошларимиз «наҳорги ош», «келин базми», «бешик тўйи», «қуда чақирди» тadbirkorларини уйда, кўни-қўни ва яқин қариндошлар даврасида ўтказмоқда.

Ҳокимиятлар ҳоқида Ўзбекистон ёшлар иттифоқидан бўлажак келин-куевларнинг тўйини ташкил қилиш, тўйхоналардаги шарт-шароитларни тушунтириб берадиган мутахассис ажратилса яхши бўлади. Бу мутахассислар ФХДга ариза топширган йигит-қиз, уларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказиб, тўйни ихчамлаштириш юзасидан таклифларини бериши. Мақсадимиз, йигит ва қиз қайси тўйхона қандай эканини билиш учун сарсон бўлиб, бўй тўйхона қидириб юрмасин. Ёки турли миш-мишларга ишониб, ёлғонларга алданиб кўп қаражат қилмасин. Маҳалламизда бу борада фаолларимиз билан ҳамжиҳатлиқда, маслаҳатлашиб иш қилинади. Сўнгги вақтларда айрим юртдошларимиз ўзига нима кераклигини англаяпти. Қандай йўл тутса камҳарж тўй қилиши мумкинлигини билаяпти. Шу боис, ҳар биримиз бу жараёнга масъулият билан ёндашишга мажбуриймиз.

Маҳмудхўжа Бехбуддиннинг «Бизни кемирғувчи иллатлар» мақоласида «Бизни кемирғувчи иллатлар» деган оғдатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналтигимиздан иборатдур. Бир дўкончи, бир гулкор, бир фақирхўл, бир қосиё учун бу тўй ва таъзиялар ўлуддан қаттиғи, мунинг учун бечора ҳар кун ўлур. Ҳар кун ўлган ила-да кутулмас. Ўзидан сўнгра ахлу аёлига бу йўқсулик ва бу мусибатни мерос қўяр...» дейилган эди.

Орадан шунча вақт ўтса ҳамки, халқимиз, жамиятимиз учун ҳали-ҳануз долзарб ва аҳамиятли бўлиб турган ушбу масала муҳим эканини англаймиз.

Энди Жомда сув муаммоси бўлмайди

Юртимизда бошланган хайрли ташаббус – «Обод қишлоқ» дастури бугун жуда катта кўлам ва аҳамият касб этган ҳолда давом этмоқда. Олис қишлоқларда бошланган ободонлаштириш ишлари самараси ҳудудларнинг кун сайин ўзгариб бораётган қиёфаси, одамларнинг турмуш тарзида ўз аксини топмоқда.

Дастур асосидаги ишлар Самарқанд вилояти Нуробод туманида ҳам жорий йил февраль ойининг охири кунларида бошланган эди. Вилоят ҳокимлигининг ишчи гуруҳи мазкур ҳудуднинг инфратузилмаси, ижтимоий соҳа объеклари ва аҳоли хонадонлари ҳолатини ўрганиб, ҳақ билан мулоқот қилди. Қишлоқда мавжуд муаммоларни ўрганиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди. Жом ва Гирдикўрган маҳаллаларини обод масканга айлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалий ишлар бошлаб юборилди.

Утган тўрт ой давомида қишлоқда режалаштирилган ишларнинг 80 фоизи бажарилди. Таъмирланиши керак бўлган 663 та уй-жойнинг 469 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари аяқланди. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган 75 та уй-жойнинг 25 таси Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан молиялаштирилиб, кам таъминланган ва шароити оғир

оилаларга бепул ажратилди. Ҳудуддаги 10 та мактаб таъмирланиб, мебель ва ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Қишлоқ оилавий поликлиникаси ва 3 та мактабгача таълим муассасаси янгидан қурилди. Жом деҳқон бозори, масжид, ҳаммом, 3 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, 4 та озик-овқат дўкони ва 2 та автобекат барпо этилди.

Ҳудуд йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар давомида узунлиги 16 метр бўлган янги кўприк қурилди. 22 километрлик ички йўللарга қум-шағал, 5,65 километрлик марказий, 2,32 километр ички кўчаларга асфальт ётқирилди. Йўл четларига замонавий тунги ёритиш устунлари ўрнатилди. Шунингдек, 16-17 май кунларидаги сел оқибатида яроқсиз ҳолга келиб қолган 3 та кўприк реконструкция қилинди. Жомсой коллекторининг 3,1 километр ўзани тўғриланди ва қирғоқла-

ри мустақамланди. Сел оқимида жойлашган 4 та уй-жой бузилиб, уй эгаларига қишлоқнинг бошқа ҳудудидан ҳомийлар ёрдамида янги уй-жой қуриб берилмоқда.

Жом қишлоғи аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 11 та янги трансформатор, 1060 донга темир-бетон устун ўрнатилди, 41 километр узунликдаги ҳаво линияси тортилди. Аҳолига 2100 донга суволатрилган газ баллонга етказиб берилиб, айни пайтда Жом ва Гирдикўрган маҳаллаларидаги хонадонларнинг барчаси маиший газ баллон билан таъминланди. Газ баллонларини аҳолига ўз вақтида етказиб бериш учун қўшимча 1 донга «Исузу» русумли автомашина ажратилди.

Ҳудуддаги энг оғир муаммолардан бири ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ. Шу пайтгача аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 27 фоизни ташкил этган.

– Қишлоғимизда сўнгги марта 1973 йилда сув иншооти қурилган эди, – дейди қишлоқ фаоли Эрали Намозов ўЗА мухбири Фалиб Ҳасановга. – Афсуски, ўша сув иншооти ва кувурлари ҳам бугун эскириб, кўпи ишдан чиққан. «Обод қишлоқ» дастури асосида бу муаммоларга барҳам берилаятигани бутун



қишлоғимиз аҳлини хурсанд қилди. Дастурга кўра, ҳудуддаги «Омондара» сув иншооти капитал таъмирланди ва сув чиқариш қуввати 2 баробар оширилди. 3 та сув иншооти реконструкция қилиниб, 4 таси янгидан қурилди. 2 та иншоотда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 0,5 километр сув тармоғи янгиланди, 2 километри жорий таъмирланди. Яна 6 километр масофага янги тармоқ тортилди. 40 донга кланпанли кўча қорларни ўрнатилди. Аҳолининг чорва молларини сўғориш учун 12 та сув ҳовузи қазилди. Марказ-

лашган сув тармоғи етиб бормаган 8600 дан зиёд аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш учун 2 та махсус сув ташувчи автомашина ажратилди. Бу ишлар натижасида аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 62 фоизга етди. Жомда тўртта янги сув иншоотини фойдаланишга топшириш маросими катта тантанга айланиб кетди. Тadbirkor Самарқанд вилояти ҳокими Т. Жўраев қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган бу каби ишлар изчил давом эттирилишини таъкидлади.

6 ТАНЛОВ САВДОЛАРИ

«Қашқадарё сув қурилиш инвест» ДУК объектларда белгиланган ишларни амалга ошириш учун соҳага тегишли пудратчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади:



(Давоми. Боши 3-бетда)

64. Бир қаватли «Новвоҳона» биноси қуриш учун «Чўболончи» қишлоғи, «Чўболончи» маҳалласи ҳудудидан 150,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 109 700 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 5 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 60 000 000 сўм.

65. Бир қаватли «Этиқдўзлик, сартарошхона, пайнет» биноси қуриш учун «Қаландар дўрман» қишлоғи, «Бўстон» маҳалласи ҳудудидан 80,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 58 500 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 4 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 100 000 000 сўм.

66. Бир қаватли «Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун «Қаландар дўрман» қишлоғи, «Бўстон» маҳалласи ҳудудидан 80,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 58 500 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 4 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 60 000 000 сўм.

67. Бир қаватли «Тикувчилик ательеси» биноси қуриш учун «Қаландар дўрман» қишлоғи, «Бўстон» маҳалласи ҳудудидан 90,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 65 800 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 4 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 120 000 000 сўм.

68. Бир қаватли «Этиқдўзлик, сартарошхона» биноси қуриш учун «Оёқ дўрман» қишлоғи, «Халқобод» маҳалласи ҳудудидан 72,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 52 700 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 3 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 40 000 000 сўм.

69. Бир қаватли «Ошхона» биноси қуриш учун «Оёқ дўрман» қишлоғи, «Халқобод»

маҳалласи ҳудудидан 72,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 52 700 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 3 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 150 000 000 сўм.

70. Бир қаватли «Тикувчилик ательеси» биноси қуриш учун «Оёқ дўрман» қишлоғи, «Халқобод» маҳалласи ҳудудидан 72,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 52 700 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 3 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 80 000 000 сўм.

71. Бир қаватли «Савдо шохобчаси» биноси қуриш учун «Оёқ дўрман» қишлоғи, «Халқобод» маҳалласи ҳудудидан 72,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 52 700 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 3 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 150 000 000 сўм.

72. Бир қаватли «Савдо шохобчаси» биноси қуриш учун «Оёқ дўрман» қишлоғи, «Халқобод» маҳалласи ҳудудидан 72,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 52 700 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 3 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 150 000 000 сўм.

73. Бир қаватли «Устахона» биноси қуриш учун «Оёқ дўрман» қишлоғи, «Халқобод» маҳалласи ҳудудидан 72,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 52 700 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 3 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 40 000 000 сўм.

74. Икки қаватли «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси» биноси қуриш учун «Оёқ дўрман» қишлоғи, «Халқобод» маҳалласи ҳудудидан 300,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 219 400 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 10 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 500 000 000 сўм.

75. Икки қаватли «Фитнес клуб» биноси қуриш учун «Уйғур» қишлоғи, «Шоирлар» маҳалласи ҳудудидан 750,0 квадрат метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. **Хуқуқнинг минимал қиймати** – 548 400 сўм. **Қурилиш муддати** – 1 йил, **яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари** – 28 та, **киритилиши лозим бўлган энг кам инвестициянинг миқдори** – 600 000 000 сўм.

